2024-yil 15-fevral // payshanba // № 22 (4930)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

БОБУР ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Адиб, олим, саркарда, йирик давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 541 йиллиги муносабати билан Адиблар хиёбонидаги шоир ҳайкали пойида «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида ҳарбий хизматчиларнинг тантанали саф юриши ўтказилди. Шундан сўнг Бобур ҳайкали пойига ижодкорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида гулчамбарлар қўйилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид икки буюк Уйғониш даврига асос солган мутафаккир бобокалонларимиз меросини ўрганиш бугун тобора долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Тадбирда Жамоат хавфсизлиги университети тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Икромжон Маҳмудов, мазкур университет талабаси Фахриёр Бахтиёров, тарихшунос олим Жумабой Раҳимов ва бошқалар Бобур асарларининг аҳамияти хусусида сўзлади.

Маърифий тадбирда ёш ижодкорлар, курсантлар томонидан Бобур ғазалларидан намуналар ўқилди. Ҳарбийларнинг шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

Анжуман доирасида китоблар, тарихий асарлар кўргазмаси ҳам уюштирилди. Талаба-ёшларга Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига оид китоблар туҳфа этилди.

ЎзА

Президент Шавкат Мирзиёевга ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тақдимот қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 14 февраль куни жорий йилда қурилиш материаллари тармоғида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

Самарқандда «Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаш» бўйича Конвенция иштирокчилари конференциясининг 14-йиғилиши (CMSCOP14) доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистон Устюрт текислиги фаунасини сақлаш мақсадида ҳамкорлик меморандумини имзолади.

Туркий давлатларнинг навоийшунос олимлари, ТУРКСОЙ ташкилоти бош котиби Султан Раев ҳамда тадқиқотчи зиёлилар Алишер Навоийнинг 583 йиллигига бағишлаб Қўқон давлат университетида ўтказилган «Алишер Навоийнинг илмий мероси» мавзусидаги илмий конференцияда иштирок этди.

Андижонда ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили, буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 541 йиллигига бағишланган адабий тадбир бўлиб ўтди.

Мактабгача таълим агентлигида агентлик директори ўринбосари Н.Муслитдинов ва Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистонда ДХШ бўйича мамлакат миссияси доирасидаги ҳамкорлари ўртасида учрашув ўтказилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг маълум қилишича, Тошкентдан Сирдарё, Гулистон ва Хўжакентга қатнайдиган поездлар ҳаракати тикланди. Бугундан бошлаб ушбу йўналишдаги шаҳарлараро йўловчи поездлар ўз ҳаракатини давом эттиришни бошлайди.

Тадбир

Тошкент шаҳри

ТАЛАБАЛАР ТААССУРОТИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Дастлаб Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Азим Мирзажонов сўз олиб, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган бетакрор сиймонинг серқирра ижоди, унинг тарихий ва илмий аҳамияти ҳақида айтиб ўтди.

Ўзбекистон халқ шоири, драматург Усмон Азим талабаларга шоир, олим ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида қизиқарли ҳаётий лавҳалар гапириб берди. Унинг кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солгани, «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихчи олимлари қаторидан жой олгани хусусида фикрлашилди. Нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятнинг энг нодир дурдоналари сифатида шеърият ва тил назариясига муносиб ҳисса бўлиб қўшилгани, буюк мутафаккир ҳаёти ва фаолияти барчамизга ўрнак экани алоҳида таъкидланди.

Ўзбек тили ва адабиёти университети доценти Акромжон Деҳқонов Бобурнинг эзгу фазилатлари, шижоат ва мурувватти ҳақида ҳикоя қилди. Туркий ғазалларни Алишер Навоийдан кейин ҳеч ким Бобур даражасида ёзолмаганини фахр билан тилга олди.

Учрашув ёшларда катта тассурот қолдирди.

Гулюз ФАХРИДДИНОВА

Сана

ИККИ БУЮК МУТАФАККИР

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми ҳамкорлигида «Икки буюк даҳо – икки бебаҳо» деб номланган тадбир уюштирилди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Гўзал Тўхтаева, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакили Б.Собиров, техникумнинг бошланғич касаба уюшмаси раиси Элмира Усмонова ва бошқалар Навоий ҳамда Бобурнинг ибратли ҳаёти ҳақида сўз юритдилар.

Тошкент давлат педагогика университети доценти Дилафрўз Қаландарова икки буюк бобокалонимизга бағишлаб тайёрланган тақдимотни йиғилганлар эътиборига ҳавола қилди.

Шундан сўнг техникумнинг иқтидорли ўқувчилари Навоий ва Бобур ижодига мансуб ғазал ва рубоийларни маҳорат билан ижро этишди. Гўзал куй-қўшиқ ва рақслар эса тадбирга янада файз киритди.

Якунда фаол ўқитувчиларга Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Қувончбек ТЎРАЕВ олган суратлар

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

Хоразм вилояти

Муҳокама

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – ИМТИЁЗЛАР КАФОЛАТИ

Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасида жамоа шартномасининг 2023 йилдаги ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Атаев ва касаба уюшма қўмитаси раиси У.Султонов ҳисоботи тингланди.

Таъкидланганидек, «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтириш, муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратиш борасида тизимли ишлар олиб борилди. Жумладан, йил давомида ходимларга овқат пули ва йўл харажатлари учун 253,1 миллион сўм, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш учун 168,1 миллион сўм ажратилди.

Шунингдек, 12 нафар ходимнинг малакасини ошириш чоралари кўрилди. Касаба уюшма томонидан 1 нафар ходимга моддий ёрдам уюштирилиб, 1 нафар ходимнинг фарзанди оромгоҳда соғломлаштирилди. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб спорт мусобақалари уюштирилди. Турли саналар муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Жамоа шартномасининг 2023 йилдаги ижроси қониқарли деб баҳоланди. 2024-2026 йиллар учун жамоа шартномаси ва ички меҳнат тартиб-қоидалари тасдиқланди.

Йиғилишда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари Руслан Бобожонов сўзга чиқиб, касаба уюшмалари тизимидаги янгиликлар ҳақида ахборот берди ва иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

* * *

Бухоро вилояти

ТУШУНЧАЛАР КЕНГАЙДИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон тумани кенгаши томонидан туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида умумий йиғилиш муҳокамаси бўлиб ўтди.

Муҳокамалар чоғида 2023-2025 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши якунлари тўғрисида иш берувчи номидан Ғиждувон тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими раҳбарининг ўринбосари З.Бурҳонова ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси У.Раҳимовнинг ҳисоботлари тингланди. Жамоа шартномаси бажарилишини текшириб борувчи комиссия раиси Ҳ.Давронов касаба уюшмаси аъзоларини тегишли далолатнома билан таништирди.

Муҳокама асноси аъзолик афзалликлари, жамоа шартномаси нима мақсадда тузилиши ва ўз ичига нималарни қамраб олиши юзасидан касаба уюшмаси аъзоларига тушунтиришлар берилди.

Бахтиёр БАҲРОМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси

Қашқадарё вилояти

Йиғилиш

СОҒЛОМ ВА ИШЧАН МУҲИТ ГАРОВИ

Маълумки, охирги пайтларда нодавлат секторига мансуб корхона-ташкилотлар кўпаймоқда. Хўш, уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси қандай? Бу корхоналарда касаба уюшма ташкилоти тузилганми? Ишчи-ходимлар жамоа шартномасининг имтиёз ва афзалликларидан тўлиқ фойдаланишяптими?

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда шу хусусда сўз борди. Жумладан, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов аъзолик афзалликлари ҳақида тўхталди. Кенг кўламли меҳнат муҳофазаси тадбирлари, ходимларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт, маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, фидойи устозлар ва интилувчан ёш мутахассисларни рағбатлантириб бориш, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш орқали мазмунли ҳордиқни таъминлаш, эҳтиёжманд ходимларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирларни эслатиб ўтди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Муродулла Азизов эса нодавлат секторидаги корхоналар раҳбарларидан адолатли ва ходимпарвар жамоат ташкилоти саналган касаба уюшмалари имтиёзларидан оқилона фойдаланишни сўради. Муносиб ва хавфсиз иш шароитларини яратиш, уни адолатли назорат қилиш, иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш, ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш унумдорлик ва сифат ошишига хизмат қилишини таъкидлади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўтган йили Қашқадарё вилоятида мазкур тармоқдаги 89 та корхонада касаба уюшма ташкилоти тузилди ва уларда ишлайдиган 2620 нафар ходим ҳимояга олинди. Жорий йилнинг январь ойида эса 8 та корхонанинг 279 нафар ходими касаба уюшма аъзосига айланди. Чунончи, «Связь автомат монтаж», «Energy engineering communication», «Asian golden oil», «Қурилиш сервис», «BBB-Baraka group», «Азизбек офсет барака», «Инновацион қурилиш ва таъмирлаш» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда «Бойқувватов Ортиқ Рўзиқулович» хусусий корхонаси ходимлари уюшма имтиёзларидан фойдаланиш имконига эга бўлишди.

Жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларида белгиланган чора-тадбирлар ижроси ходимлар ишончи мустаҳкамланишига ҳисса қўшади. Локал ҳужжатлардаги ҳар бир бандга асосан кўплаб хайрли ишларни амалга ошириш мумкин. Масалан, яқинда нодавлат секторига мансуб «Sof» хизмат кўрсатиш комплексининг 30 нафар ходими Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борилди. «1-сонли комплекс лойиҳа» қурилиш ва монтаж корхонасининг олти нафар эҳтиёжманд ходимига эса моддий кўмак ажратилди. Зеро, инсонни қадрлаш, ходимларга эътиборни ошириш орқали ҳар қандай корхонада ишчан ва соғлом муҳит яратиш мумкин.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК САМАРАСИ

«Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг Сирдарё вилояти филиалида иш берувчи ва ходимларнинг вакиллик органи саналган касаба уюшмаси билан ижтимоий шериклик асосида 2023-2025 йиллар учун жамоа шартномаси имзоланган. Жамоада эса 1027 нафар киши ишлайди. Уларнинг 93 нафарини аёллар, 102 нафарини ёшлар ташкил этади.

Яқинда корхонада 71 нафар делегат иштирокида жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши якунларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибига кўра, аввало, филиал бош директори Ё.Деҳқонов ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Мирзабековнинг ҳисоботлари тингланди, шунингдек, ижтимоий меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссия томонидан имзоланган далолатнома ўқиб эшиттирилди.

Таъкидланишича, 18 та бўлимдан иборат жамоа шартномасида белгиланган 249 та банддаги мажбуриятлардан 231 тасининг ижроси тўлиқ таъминланиб, 92,8 фоизга бажарилган.

Бу ҳужжатга ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби киритилган. Унинг тегишли бандида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш кечиккани учун моддий жавобгарлик масаласи, иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш чегараси йил давомида 60 кундан ошмаслиги тўғрисидаги талаблар бажарилишига, Халқаро меҳнат ташкилотининг 29-, 105-сонли конвенциялари қоидалари амалиётга татбиқ этилишига эришилди. Ходимлар жамоа шартномасида кўрсатилган асосий узайтирилган таътиллар, қўшимча таътиллар, ижтимоий таътиллар, икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун танаффуслар бериш каби имтиёзлардан эмин-эркин фойдаланиб келишмоқда. Барча молиявий манбалар ҳисобидан 58 нафар ишчи-хизматчи санаторийларда, 74 нафарининг фарзандлари эса ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишди.

Корхонада ички туризмга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бултур 350 нафар, жумладан, Федерация маблағлари ҳисобидан 60 нафар ходимнинг тарихий қадамжоларга саёҳатлари уюштирилди. Корхона бўйича жамоа шартномаларининг барча шартлари бажарилиши натижасида ҳар бир ходимга 2023 йилда 2022 йилгига нисбатан 65,1 фоиздан кўпроқ маблағ сарфланди.

Конференцияда жамоа шартномасининг 2023 йилги ижроси қониқарли деб баҳоланди. Шунингдек, айрим бандларни келгусида тўлиқ бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Дилмурод ПИРМАНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши бўлим мудири

Андижон вилояти

Бошланғич ташкилотларда

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Андижон филиалида ўтган йил давомида 20 нафар ходимга юртимиздаги сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилиб, футбол бўйича мусобақалар ташкил қилинди ва 27 нафар ходимнинг Бухоро шаҳрига саёҳати уюштирилди.

ФАОЛИЯТ ЯНАДА ЖОНЛАНАДИ

Наврўз муносабати билан барча бўлинмаларда ҳамда туман ва шаҳар боғламаларида байрам тадбирлари ўтказилди. Аёллар ўртасида спорт мусобақалари ҳам қизғин ва муросасиз кечгани билан кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож 75 нафар ишчи-ходимга моддий ёрдам ажратилди. Шунингдек, 120 нафардан зиёд меҳнат фахрийсининг ҳолидан хабар олинди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида концерт дастурларига бепул чипталар берилиб, мини-футбол мусобақаларига жалб қилинди.

2023-2025 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши юзасидан ўтказилган конференцияда филиал касаба уюшма қўмитаси раиси Бобирбек Одилов йил якуни бўйича ҳисоботида ана шулар ҳақида батафсил ахборот берди.

Ҳисобот даврида корхона ходимлари ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини тиклаш, ишлаб чиқаришда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши, халқаро конвенция талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, қонун билан кафолатланган имтиёзларнинг қўлланилиши масалалари доимий назоратда турганлиги таъкидланди.

Эришилган ютуқлар билан бир қаторда, камчиликлар ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, келгусида жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги ишларни жонлантиришга, ишловчиларнинг хизмат вазифаларини бажариш пайтида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий амал қилиш ва масъулиятларини оширишга, ишларни хавф-хатарсиз бажариш усуллари бўйича йўриқномаларни қайта кўриб чиқишга, иш жойларида йўриқномаларнинг кўргазма тарзида бўлишига ҳамда улардан фойдаланишга келишиб олинди.

Барча йўналишларда цех касаба уюшма қўмиталари ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг фаоллигини ошириш, улар иштирокида жамоатчилик назоратини кучайтириш, маънавият соатлари мунтазам ўтказиб борилишига эришиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар маъқулланди.

Конференцияда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари Анвар Аҳмедов иштирок этиб, ходимлар билан меҳнат муносабатларини жамоа шартномаси талаблари асосида йўлга қўйишга оид тавсияларини берди.

Муҳокама асносида келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Қодиржон РИЗАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Самарқанд вилояти

Жараён

ҲИСОБОТДА СИЛЛИҚ, АМАЛДА-ЧИ?

Жамоа шартномаси муносабатлар тамойилини белгиловчи бош мезон саналади. Унга бажарилиши шарт бўлган қатор мажбуриятлар киритилганки, бу нафақат ходимлар манфаати, балки жамоа мавқеининг юксалиши учун ҳам пиллапоядир. Буни чин дилдан ҳис этган иш берувчилар меҳнат аҳли суянчиғига айланган жамоат ташкилотига елкадошлик қилишяпти. Айниқса, жамоа шартонмаларининг бир йиллик ижроси муҳокамасига киришилган шу кезларда кимнинг кимлиги яққол аён бўлмоқда.

– Меҳнатга оид муносабатлар ишчанлик муҳитига йўғрилган ҳолда муҳокама қилиниши бежиз эмас, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши бўлим мудири Зуҳра Маматқулова. – Бу раҳбарнинг жамоа олдидаги келишилган шартлар ижросини таъминлашдаги фаолиятига берилаётган баҳо бўлиб, имтиҳон ҳаками эса оддий ходимлардир.

Ҳа, кўламдорлик касб этаётган жамоа шартномалари муҳокамаси қизғин паллага кирди. Бу жараёнга қандай тараддуд кўрдик, деган савол бугун кўпчиликни ўйлантираётгани ҳам бор гап. Ўтган йилги муҳокамалар жараёнида дуч келинган ҳолатни бир эсласак, у хотиржамликда юрганларга сабоқ бўлар.

Ташкилот касаба уюшмаси жамоа шартномалари муҳокамасига бағишланган йиғилишга таклиф қилгач, бажонидил бордик. Етакчи хонама-хона ходимларни муҳокама мажлисига чақираётган экан. Жараёнда жамоанинг нақ ярми йўқ. «Катта» ходимларнинг бир қисмини чорлашга изн берибди. Бир пайт ташкилот раҳбарининг ўзи виқор билан кириб келди. Яримта қоғозни олдига қўйиб нималарнидир гапирган бўлди. Англаганимиз нечта ходим касаба уюшмаларининг имтиёзли йўлланмаси билан дам олгани-ю, қанча одамга моддий кўмак кўрсатилгани эди. Ундан сўнг касаба уюшма ташкилоти етакчиси сўз олиб, жамоа шартномаси ижроси юзасидан батафсил танқидий руҳда маъруза қилди. Ҳар ҳолда жамоат ташкилоти томонидан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун анча-мунча ишлар амалга оширилганига ишонч ҳосил қилдик.

Тўғрисини айтиш керак, бу жараёнда раҳбарнинг ўзини сирли тутиши ғалати туюлди. Дам-бадам соатга тикилаётган бу одамда жамоаси билан дилдан гаплашиш, мулоҳаза ва таклифларини эшитиш, келгуси режаларни белгилаб олиш ўйи йўқ, шекилли. Ким сўзга чиқса, оғзига урар, фикрини якунламасдан тўхтатарди. Беихтиёр хаёлга ботдик: наҳотки ҳисобот учун мажлис, «бонус» учун раҳбарнинг иштироки керак бўлса?

– Жамоа шартномалари муҳокамаси масъулиятли жараён, – дейди Зуҳра Маматқулова. – Ўтган йили бу масалада лоқайдлик кўрсатганлар бўлди. Аммо меҳнаткашлар манфаати майдонга чиққан бир шароитда биз ҳеч маҳал томошабин бўлиб қараб турмаймиз.

Таъкидлаш жоиз, вилоят меҳнат жамоаларида ишловчи 479174 нафар ишчи-хизматчи амалдаги 13221 та жамоа шартномаси қамровига олинган. Айни кезларда бу меъёрий ҳужжат муҳокамасида қизғин давр бошланди.

Бунда ҳужжатбозсинчилик, «ўтдими, ўтди» қабилида қоғоз тўлдирилишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Хотира

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙГАН ИЖОДКОР

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ РАВШАН (ЖАЛОЛИДДИН) МИРТОЖИЕВ БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ЁРҚИН СИЙМОЛАРИНИ ТАСВИРИЙ САНЪАТДА ГАВДАЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АНА ШУНДАЙ БАХТГА ЭРИШГАН ЭДИ

САДОҚАТ

Ижодкор мусаввирликнинг қаттиқ нонини еди. Рўзғори, оиласига қийин бўлган шароитларда ҳам кўпроқ даромад келтирадиган бошқа соҳага ўтишни ўйламади, касбига хиёнат қилмади. У фарзандлари ва шогирдларига доимо бир гапни уқтирар эди: *«Ҳар қандай соҳанинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Аммо сен касбингни севиб танлаган бўлсанг, ҳеч қачон унинг қийинчиликларидан қочма. Акс ҳолда, ҳаётда ўрнингни тополмай қоласан»*.

Ўзи таъкидлаганидек, истеъдод соҳибининг ҳаёт йўли осон кечмади. Тақдир аввалига қатор синовларини юборди. Мустақилликка эришган дастлабки ўн йилликда ҳайкалтарошликка талаб бўлмади деярли. Бир тарафдан фарзандлар улғайиб келаётган, олий таълимда таҳсил олаётган пайтлари эди. «Бу касбинг билан оилангни боқа оласанми, бошқа иш қила қол...» деган маслаҳатлар ҳам бўлди. Аммо Равшан Миртожиев ижоддан, устахонасидан узилмас, ич-ичидан санъат аҳли ва ҳамкасбларининг даври келишига ишонарди. Ишонч – ҳаётнинг устуни. У кутганидек бўлди. Синовлардан мардонавор ўта олганидан кейингина, ҳаёт ўз мукофотлари билан сийлай бошлади.

ТОШКЕНТДАН ВАШИНГТОНГАЧА...

Ижодкорнинг маҳорати Тошкентдан бошланиб, олис Вашингтонгача етиб борди. Бошкентимиздаги Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Зулфия, Ойбек, Беруний, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Андижондаги Бобур ва Чўлпон, Самарқанддаги Рудакий ва Мирзо Улуғбек, Бухородаги Фитрат, Ғазалкентдаги Элбек ҳайкаллари, пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд», Жиззах, Андижон ва Фарғонадаги «Мотамсаро она» монументлари айнан Равшан Миртожиев ва унинг шогирдлари томонидан ишланган лойиҳалардир.

Москва, Рига, Париж, Боку, Шанхай, Токио, Франкфурт каби йирик шаҳарларда ҳам ижодкор томонидан яратилган ҳайкаллар ўзбек халқи тимсолини акс эттириб турибди. Ҳаттоки, Вашингтон кутубхона Конгрессидан жой олган Навоий бобомиз бюстининг муаллифи ҳам Равшан Миртожиев. Ҳайкаллар ўз ўрнатилган манзилларида ободлик, тинчлик, дўстлик, меҳр ва оқибат рамзи бўлиб порлаб турибди. Мухлислар унинг ижодий тақдимотларида олқишларини аямасди. Сабаби, ижодий ишлар ўз қаҳрамонларига қуйиб қўйгандек ўхшашлиги билан бетакрор чиқарди.

Афсуски, Равшан Миртожиев ижодда, ҳаётда энг юксак чўққига чиққан, оиласида набира суйиб, фарзандлари ва шогирдларининг эндигина ютуқларига гувоҳ бўлаётган бир пайтда – 61 ёшида ёруғ оламни тарк этди. У ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшни қаршилаган бўларди.

Аммо ижодкор жўшқин кечган умри давомида яхшиликлар қилишга, дўстлари, шогирдлари, ҳамкасблари ва санъат мухлислари қалбида ўзи яратган эзгу сиймолар каби мустаҳкам ва унутилмас жой олишга улгурди.

МАКТАБ ПАРТАСИДА ОЧИЛГАН ИҚТИДОР

Равшан Миртожиев 1954 йилда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида туғилган. Отаси Турсун Миртожиев шифокор бўлиб, кейинчалик республика санитария-эпидемиология соҳасида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. Онаси Ойдин хола эса уй бекаси эди. Ёш Равшан Ойдин хола ва Турсун амакининг тўнғичи, ундан кейин яна 3 ўғил ва бир қиз фарзандлари бўлган. Равшан аканинг отаси 1957 йилда Бўка туманига ишга юборилади. Шу боис фарзандларининг ҳам болалиги Бўкада ўтди десак, адашмаймиз. 1964 йилда Турсун Миртожиев Қибрайдаги даволаш-меҳнат профилакторийсига бош шифокор этиб тайинланади. Ва оила яна Тошкентга қайтиб келади.

Ижодкор ўрта таълимни Чилонзор туманидаги 184-мактабда олган.

– *Бир куни тарих дарсида «Қадимги Греция» мавзуси ўтилади. Дадам китобда V асрда яшаган юнон ҳайкалтароши Миронннинг Дискобол ҳайкалчасини кўриб, унга қизиқиб қолади,* **– дея хотирлайди Равшан аканинг фарзанди Мансур Миртожиев.** – *Сўнг ўзи ҳам худди шундай ҳайкалча ясашга қарор қилади. Алебастр бўлагидан Дискобол шаклини кесиб олади ва биринчи марта ижодий ишини яратади. Бу ишни тарих ўқитувчисига кўрсатганида, у дадамга беш баҳо қўйган. Ўшандан кейин дадам ҳайкалтарошликка жиддий қизиқиб қолган экан.*

Саккизинчи синфдан сўнг, 1968 йилда Равшан Миртожиев П.П.Беньков номидаги бадиий билим юртининг ҳайкалтарошлик бўлимига ўқишга киради. Бу масканда у бутун вақтини севимли касбининг сир-асрорларини ўрганишга бағишлайди: ҳайкалтарошлик, ўймакорлик, тош ва металл билан ишлаш кундалик юмушига айланиб кетади. Мутахассислиги бўйича курс ишлари топширганида унинг иши доим энг юқори баҳоланган. Кейинроқ эса ҳарбий хизматга бориб келгач, Тошкент театр ва рассомчилик институтини тугатади. 1979-1996 йилларда Андижон ижодий муҳитида меҳнат фаолиятини олиб борди ва бу ўлка рассомлари, ҳайкалтарошлари билан умрининг охиригача борди-келди қилиб, қадрдон дўст бўлиб қолди.

Москва, Рига, Париж, Боку, Шанхай, Токио, Франкфурт каби йирик шаҳарларда ҳам ижодкор томонидан яратилган ҳайкаллар ўзбек халқи тимсолини акс эттириб турибди. Ҳаттоки, Вашингтон кутубхона Конгрессидан жой олган Навоий бобомиз бюстининг муаллифи ҳам Равшан Миртожиев. Ҳайкаллар ўз ўрнатилган манзилларида ободлик, тинчлик, дўстлик, меҳр ва оқибат рамзи бўлиб порлаб турибди. Мухлислар унинг ижодий тақдимотларида олқишларини аямасди. Сабаби, ижодий ишлар ўз қаҳрамонларига қуйиб қўйгандек ўхшашлиги билан бетакрор чиқарди.

ШОГИРДЛАР ЭЪТИРОФИ

– *2001 йили Хоразмда рассомчилик мактабида таҳсил олардим,* **– дейди Ўзбекистон халқ рассоми, шогирди Жасванд Анназаров.** – *Мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан таълим даргоҳимизда республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мен унда «Она табиат» деб номланган ёғочдан ясалган ҳайкалтарошлик ишим билан қатнашиб, биринчи ўринни олгандим. Равшан Миртожиев ушбу танловга ҳакамлар ҳайъатининг раиси бўлиб келган экан. Тадбирдан кейин келажакдаги режаларим билан қизиқди. Агар Тошкентга олий ўқув юртига ўқишга борсам, олдиларига боришимни тайинлади. Тўғрисини айтсам, бу воқеагача мен ҳайкалтарошликка қизиқсам-да, келгусида олий ўқув юртида мусиқа чолғулари йўналишида таҳсил олишни режалаштириб юргандим. Аммо ўша учрашувдан кейин устозимнинг самимий нигоҳи, илиқ муносабати ҳа-*

ёлимдан кетмай қолди ва мен уйдагиларга қарорим ўзгарганини, ҳайкалтарошлик бўйича ўқимоқчилигимни айтдим. Кейинчалик эса яна бир танловда ғолиб бўлганим боис, мактабни тамомлагач Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг ҳайкалтарошлик йўналишига имтиёзли равишда ўқишга кирдим. Бу ерда устозим билан учрашдим. Улар мени ўз устахонасига таклиф қилди. Шу-шу улар билан бирга ишладим, ҳар бир ҳайкални ясаш жараёнида ёнларида турдим. Одамлар билан муомала қилишдан тортиб, касбга садоқат, қатъиятли ва иродали бўлишни ўргандим. Равшан акани маънавий отам, десам ҳам бўлади. Чунки шу инсон сабаб мен Тошкентда ижарага бошпана ва иш қидирмадим. Устозимнинг устахонасида ишладим ва яшадим.

– *Равшан ака, доим ўз устимизда ишлашимиз, бўш вақтимиз бўлганида тарихий асарларни ўқишимиз, тил ўрганишимиз лозимлигини уқтирарди. Ҳайкалтарошликка оид кўп манбалар рус тилида бўлгани боис, бу сизларга жуда зарур, дердилар,* **– дейди яна бир шогирди, – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси Ботир Ҳакимов.**

Ҳа, Равшан ака кўплаб ёшларга ҳаёт йўлини топишида, касб сирларини ўрганишида яқиндан ёрдам берди. Ҳозирга келиб Ботир Ҳакимов, Улуғбек Отаназаров ва Жасванд Анназаровлар соҳада муваффақиятли ижод қилиб, устозининг йўлини давом эттириб келмоқда. Ҳар бирининг эътирофга арзигулик ишлари бор. Масалан, Жасванд Анназаров юртимиздаги энг ёш Ўзбекистон халқ рассоми бўлиб, Шайхонтоҳур туманида бунёд этилган «Ғалаба боғи» меъморий мажмуасидаги Собир Раҳимовни ўраб турган 14 нафар ҳарбий ҳайкалини, биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг монументини ясаган.

Ижодкорнинг маҳорати Тошкентдан бошланиб, олис Вашингтонгача етиб борди. Бошкентимиздаги Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Зулфия, Ойбек, Беруний, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Андижондаги Бобур ва Чўлпон, Самарқанддаги Рудакий ва Мирзо Улуғбек, Бухородаги Фитрат, Ғазалкентдаги Элбек ҳайкаллари, пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд», Жиззах, Андижон ва Фарғонадаги «Мотамсаро она» монументлари айнан Равшан Миртожиев ва унинг шогирдлари томонидан ишланган лойиҳалардир.

ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР

2002 йил. Москва. Кеч куз. Ўзбекистонликларнинг тарихий аждодларига аталган хориждаги навбатдаги муҳташам бюст – Алишер Навоий бобомиз ҳайкали очилишига бир неча сониялар қолган. Ҳамма ҳаяжонда, айниқса, Равшан Миртожиев. Ёмғир ораорада бир-икки томчилаб қўяр, атрофда енгил шамол айланарди. Соябон тутган одамлар ҳайкалнинг очилиш маросимига келишда давом этар, йиғилганлар эса тадбир бошланишини кутиб турарди. Ҳукумат расмийлари келса, бас, тадбир бошланади. Меҳмонлар оғзида Россия ва Ўзбекистон ҳукумати вакиллари йўлда келаётгани ҳақидаги миш-мишлар оралади. Шу тобда бирдан баландроқ эсган шамол ҳайкал устига ёпилган оппоқ ёпинчиқни кўтариб, жойидан силжитиб юборди. Табиатнинг ўйноқи эркатойи – шамол меҳмонларга Навоий бобомизнинг нурли ва самимий сиймосини кўрсатди: бехосдан даврада давомли ва гулдурос қарсаклар чалиниб кетди. Гўёки меҳмонларга юз очган улуғ Навоий «Хуш келибсиз, болаларим!» деяётгандек эди...

Шу тобда расмийлар келиб ўз жойларини эгаллашди ва ҳақиқий тадбир бошланди. Сценарий бўйича сўзга чиққанлар ўзбек ва дунё адабиётида Алишер Навоийнинг ўрни, Ўзбекистон ва Россия муносабатлари мустаҳкам экани тўғрисида сўзлашди. Нутқлар якунлангач, лойиҳа муаллифларининг номлари жаранглади. Ҳамма ҳайкал жудаям муваффақиятли чиққанини таъкидлаб, ижодкорлар жамоасининг раҳбари сифатида Равшан Миртожиевнинг маҳоратини алоҳида тилга олди ва уни саҳнага таклиф этди.

Буни қарангки, бу сафар ҳам ижодкор олқишларга кўмилди. Воқеага ҳамоҳангдек қуёш бобо кўкда илжайиб турар, Москва осмонидаги ёмғирли булутлар ҳам тарқаб кетганди. Буюк фарзандининг сиймоси яна бир нуқтада қад ростлаганидан чевар табиат ҳам хурсанд эди гўё.

ИЖОД ДЕНГИЗИДА...

2000 йиллардан кейин Равшан Миртожиев жуда қизғин ижод оламида сузди. Бир қарасангиз, Москвадаги Улуғбек ҳайкали билан банд бўлди, 2002 йилда Навоий ҳайкали устида ишлади. 2003 йилда шогирдлари ва ҳамкасблари билан Тошкентдаги Ғафур Ғулом, Камолиддин Беҳзод ҳайкали лойиҳалари бўйича изланишлар олиб борди. Орада Хитойнинг Шанхай университетидаги симпозиумда иштирок этиб, шу университетнинг фахрий профессори унвонига муяссар бўлди. Кейинчалик Ригада Улуғбек ҳайкали, Токиода яна Навоий бобомиз ҳайкали яратилиши бошида турди. 2003 йилда Ўзбекистон халқ рассоми, Токио Фужи музейининг «Санъатга қўшган ҳиссаси учун» олтин медали, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро мукофот лауреати, 2009 йили Ўзбекистонда «Йил ҳайкалтароши» дея эътироф этилди.

2005 йилдан фаолиятини Ўзбекистон бадиий академияси раисининг биринчи ўринбосари сифатида давом эттира бошлади. Эркин ижод майдонида сузаётган ижодкор лавозим ва мартабаларга қизиқмаган бўлса-да, давлат раҳбарининг бу таклифини рад этолмади. Умрининг сўнгигача ҳам ижод қилиб, ҳам Бадиий академия раисининг ўринбосари сифатида ишлаб, юртимиз рангтасвир санъати ривожи йўлида билим ва маҳоратини аямади.

ХОТИРАГА ҲУРМАТ

Ўзбек мусаввирининг, ҳайкалтарошининг меҳнати, ижоди йиллар ўтгани сайин янада кўпроқ қадр топмоқда. Буни давлатимизнинг юксак эътирофлари ҳам исботлаб турибди.

Равшан Миртожиев 2018 йилда «Эътироф», 2021 йилда Шавкат Мирзиёевнинг тегишли фармони билан «Фидокорона хизматлари учун» ордени, 2022 йилда Санъат ва меъморчилик соҳасидаги II даражали Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Дарвоқе... Бир пайтлар юртимизда бронза қуядиган цехлар йўқ эди. Бу ҳайкалтарошлар ишининг ойлаб чўзилишига, улар Хитой ва Россиядаги шундай цехлар билан ҳамкорликда ишлашига, оворагарчиликларга сабаб бўларди. Чунки аввалига алебастрдан тайёрлаган макетларни кейин бронзадан қуйишга тўғри келарди. Бизда эса бу борада на мутахассис, на технология бор эди. Шу боис Равшан ака шогирдлари билан бу ҳақда кўп гаплашар, хориждан ўрганиб келиб, ўзимизда ҳам йўлга қўйиш зарурлигини бот-бот таъкидларди.

Бугун ҳайкалтарошнинг ушбу орзуси ҳам амалга ошди. Шогирдларининг ҳаракати, хорижга бориб, ўқиб-ўрганиб келиши натижасида юртимизда ҳам бронза қуйиш цехи ташкил этилди.

Демак, Равшан Миртожиевнинг ҳаёти тўхтагани йўқ. Фарзандларида унинг умри давом этаётган бўлса, шогирдлари ижоддаги орзуларини рўёбга чиқармоқда.

Бир ижодкор – Ватан ва миллат фидойиси учун бундан-да ортиқ бахт бўлмаса керак?!

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Назм

ҲАЙРАТ

Машҳур ўзбек ҳайкалтароши Равшан (Жалолиддин) Миртожиев хотирасига

Кўнгилнинг кўзини ёритгувчи тош,
Минг дардинг бўлса гар аритгувчи тош,
Тошнинг ҳам кўзида кўргинг келса ёш,
Равшан ранг беролган сайқалда кўргин,
Ҳаёт ҳайратини ҳайкалда кўргин.

Тош билан тиллашган юрак оғзода,
Миллатнинг мақоми тошда ифода,
Аё дўст, шунғаки юрма самода,
Ўзингни шудгорда, пайкалда кўргин,
Ҳаёт ҳайратини ҳайкалда кўргин.

Гар тошни тилолса тафаккур тиғи,
Тошда ҳам ҳилпирар Ватаннинг туғи.
Мусаввир меҳрида ўзбек шукуҳи,
Оламга нур соғган машъалда кўргин,
Ҳаёт ҳайратини ҳайкалда кўргин.

Рудакий, Шоҳ Бобур, Улуғбек Мирзо,
Беруний, Фарғоний ҳам Ибн Сино,
Навоий руҳидан балқир Токио...
Жадидлар жамолин маҳталда кўргин,
Ҳаёт ҳайратини ҳайкалда кўргин.

Жасоратдан садо Жалолиддинлар,
Миллатга жонфидо Жалолиддинлар,
Эл бахтига ато Жалолиддинлар...
Тошни тўвлантирган зарҳалда кўргин,
Ҳаёт ҳайратини ҳайкалда кўргин.

Миллат буюкларин қадрига қалқон,
Сафларнинг сардори ул оқил Сарбон.
Улуғ мусаввирни қўллаган ҳар он,
Одам одамлигин амалда кўргин,
Ҳаёт ҳайратини ҳайкалда кўргин.

Ҳайкаллар пойига қўйилган гуллар,
Ҳайкалтарошга ҳам насиба улар.
Эъзоз, эҳтиромдан яйрагай диллар,
Сайқал тўпса тош ҳам гўзал-да, кўргин,
Ҳаёт ҳайратини ҳайкалда кўргин.

Шеър ёзмадим, асли кўнглимни тўкдим,
Даҳолар қошида қаддимни букдим,
Навоий ҳайкалин пойига ўқдим,
Шоирлар шамсини газалда кўргин,
Ҳаёт ҳайратини ҳайкалда кўргин.

Bobur dilbar shaxs edi. Uyg‘onish davrining ajoyib sultoni, kuchli, tadbirkor kishi bo‘lib, san’atni, adabiyotni, go‘zallikni sevardi.

Javoharla’l Neru

2024-YIL 15-FEVRAL, PAYSHANBA
№ 22 (4930)

Сабоқ

Бобур ижоди улкан маънавият мактабидир

Маълумки, ҳар бир миллатнинг тили – унинг учун энг буюк миллий қадриятлардан бири саналади. Бу қадрият миллатнинг ўзлигини англаш, ўз илдизларини йўқотмасдан, улардан маънавий озиқланиб туриш, қолаверса, ҳамма замонларда ҳам жаҳон саҳнида ўз ўрнига эга бўлишига кўмаклашувчи асосий воситалардан ҳисобланади.

Шу маънода, бобокалонларимизнинг туркий тилни (ҳозирги ўзбек ва шунга яқин тилларни) асраш, ривожлантириш, бадиий асарлар орқали унинг имкониятларини очиб беришга қўшган улкан ҳиссалари – миллий илдизларни мустаҳкамлашга бўлган ғоят аҳамиятли ишлардир. Хусусан, Алишер Навоийнинг туркий тилда битган асарлари бу борада муҳим ўрин тутади.

Навоийгача ҳам туркийда қисман ижод қилган шоирлар бўлган, албатта. Бироқ «Хамса»дек буюк асарнинг туркий тилда яратилиши том маънода буюк ҳодиса саналади. Навоийдан сўнг туркий тилда кўплаб асарлар ёзила бошланди. Улар орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди алоҳида салмоққа эга.

«Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас. Туркий тилда бениҳоя нафис девони бор. «Мубаййин» номли шеърий асар ёзган бўлиб, фиқҳга оид бу бағоят фойдали рисола одамларга мақбулдир. Туркий арузга оид асар битган бўлиб, ҳеч ким унгача туркий аруз ҳақида бу қадар аниқ ёзолмаган», деб ёзганди улуғ муаррих Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида.

Дарҳақиқат, Бобурнинг «Вақоеъ» (Бобурнома) асари ҳам туркий тилда бўлган. Бобур асарлари туркийда бўлиши билан бирга, содда, равонлиги билан ҳам аҳамиятга моликдир. Бобурнинг она тилига ғамхўрлик борасида қилган яна бир улкан иши шундан иборатки, у араб алифбосини туркий тил талаффузига мослаштириш учун уни осонлаштириш ва соддалаштириш борасида «Хатти Бобурий» рисоласини ёзди. Ўзи яратган мана шу имлода битган шеърларини фарзандларига жўнатган ва бошқа асарлар ҳам битган. Чунончи, у тажриба сифатида ўзи яратган алифбода Қуръони Каримни ҳам кўчирган. У ўзбек тилида бир қатор бадиий ва илмий асарлар яратиб, тил назарияси соҳасига муносиб ҳисса қўшди.

Бобур ўз асарларида миллий ҳикматлар, мақоллардан моҳирона фойдаланади. Шундай мақол ва ҳикматлардан «Душман не демас, тушга не кирмас», «Қопудағини қопмаса, қаригунча қайғурур», «Инонмағил дўстингга, сомон тиқур пўстингга», «Кўзларини туз тутди», «Узри гуноҳдан ёмонроқ» кабиларни келтириш мумкин.

Қолаверса, Бобурда миллий характер, чунончи, ободончилик, хайрия, саховат ишларига мойиллик кучли бўлган. У кўпгина жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ, худди Темур бобоси каби кўп жойларни обод қилган. Бобур Кобулни эгаллагач, у ерда Боғи Шаҳраро, Боғи Жаҳонаро, Ўртабоғ, Боғи Вафо, Боғи Бобур кабиларни барпо этади. Шунингдек, Кобулда Амир Темурнинг яна бир авлоди Улуғбек бунёд этган Боғи Наврўзий ҳам бўлганини эътироф этиш лозим. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним айнан мана шу боққа дафн этилган. Бобурнинг ўзи эса Аграда вафот этган бўлса-да, унинг хокини, васиятига кўра, Кобулдаги ўзи бунёд этган Боғи Бобурга келтириб дафн этишган.

Бобур Ҳиндистонда ҳам жуда кўп бунёдкорлик ишларини олиб борган. Парокандалик, тарқоқликларга, ички низоларга барҳам бериб, элни бирлаштиришда кучли ўрин тутган саркор сифатида Ҳиндистон тарихида қолган. Бобур Мирзонинг буюклиги яна шундаки, унда бир вақтнинг ўзида саркарда ва подшоҳликка хос жасорат, қаттиққўллик ва кези келганда, бешафқатликни меҳрибонлик ва кечирувчанлик каби фазилатларга уйғунлаштира олган. Хусусан, у маҳв этган Иброҳим Лўдийнинг онаси малика Байда ошпазлар билан тил бириктириб, уни заҳарлаган ва кейинчалик унинг мунтазам бетобланишига сабаб бўлган бўлса-да, Бобурнинг бу суиқасдни кечириши – унинг улкан матонат соҳиби ва буюк қалб эгаси эканидан далолат беради. Қолаверса, кечиримлилик – миллатимизга хос хусусиятлардан бири.

Бобур адолатпешалик хислатини ҳам ўз аждодларидан мерос қилиб олган эди. Амир Темур «Куч адолатдадир» ғоясини миллий ғоя даражасига кўтарган бўлса, Бобур ҳам ушбу тамойилни ўзи учун дастуриламал қилган ҳолда, миллий қадрият даражасига олиб чиқа олди. У ўз асарида бобоси Темур ҳақида ушбу сўзларни битади: *«Адолати шул даражада эдики, Андижон юртининг шарқий томонидаги тоғларнинг этагида Хитойдан келаётган мингта қорамоллик катта карвонни шундай қор босдиким, ундан икки кишигина қутулиб қолди, холос. (Амир) хабар топиб, ўз одамларини (у ерга) юбориб, карвоннинг бор нарсалари (моллари)ни йиғдирди. Ўша пайтда (молнинг) ворислари бўлмаганидан, (уларни) эҳтиёт юзасидан сақлаб, бир-икки йилдан сўнгра Самарқанд ва Хуросондан (карвоннинг) ворисларини суриштириб, топтириб келтириб, (уларга) молларни эсон-омон топширди».*

Бобур ҳам ўз фаолиятида шундай йўл тутади. Бир қишлоқда навкарларидан бири бировга тегишли бўлган бир хумча ёғни ўғирлаб беркитади, бу хабар Бобурга етиб боради. Шунда Бобур бошқа навкарларга ўрнак сифатида уни савалашни буюради. Ўғрини шундай урадиларки, оқибатда у жон беради. Бобур шу тариқа ҳалоллик ва адолат борасида қўл остидагиларга сабоқ беради. У бу ҳақда шундай ёзади: *«Бу юрттин кўчуб, Қорабоғ ёнидаги оқсарой ўлангига тушулди. Хисравшоҳнинг зулм ва бесарлиққа ўрганган одамлари элга зулм қила бошладилар. Охир Сайидим Али Дарбоннинг бир ўбдон навкари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олган учун уни келтуруб таёқлаттим, таёқ остида жони чиқди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар».*

Бобурнинг ўз юртини талайдиган ҳукмдорларга нисбатан ёндашуви салбий эди. У ўз юришларидан бирида одамлари аҳолидан кўплаб ўлжа ундирганини билиб қолади ва уларни бу ўлжаларнинг ипидан игнасигача эгаларига қайтаришга мажбур қилади. *«Эртаси куни эгасига қайтарилмаган бир бўлак ипу, синиқ игна ҳам қолмади»* дейди Бобур. Бобур ана шундай интизом ва адолат асосида иш юритган. Унинг бу ғояси асарларида ҳам акс этган. Масалан:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир,
Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Бобур ижоди улкан маънавият мактабидир. Бу мактаб сизга маърифатпарварликдан ҳам *(Ким ёр анга илм толиби илм керак, Ўргангали илм толиби илм керак. Мен толиби илми толиби илм йўқ, Мен бор мен илм толиби илм керак)*, ватанпарварликдан ҳам *(Толеъ йўқ жонимга балолиг бўлди, Ҳар ишниқи айладим, хатолиг бўлди. Ўз ерни қўюб, Ҳинд сори юзландим, Ёраб, нетайин, не юз қаролиг бўлди)* ҳам сабоқ беради.

Шаҳло АҲРОРОВА,
Республика Маънавият ва маърифат Маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, фалсафа фани бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таҳлил

«БОБУРНОМА»НИНГ ЯНГИ ТАБДИЛИ – СУВРАТЛИ НАШРИДАН НИМАЛАР КЎЗЛАНГАН?

Мумтоз адабиётимиз насрининг мислсиз ва ажойиб намунаси бўлган тарихий асар «Бобурнома» 1940 йилдан бери парчалар ва тўла ҳолатда ўзбек ва рус тилларида мунтазам нашр этиб келинади.

Аммо ундаги айрим қадимий туркий, форсий ва арабий сўзлар мутахассис бўлмаган китобхон учун тушунарли эмас эди.

Ҳатто, ўзбек зиёлилари «тушуниш осонроқ» дея Михаил Салъе таржимасида рус тилидаги «Бобурнома»ни кўпроқ ўқир эдилар.

2007 йилда собиқ «Ўқитувчи» нашриётининг директори Рустам Мирзаев ва олима Каромат Муллахўжаева ташаббуси билан қомусий асар «Бобурнома»нинг ҳозирги адабий тилдаги нашрига киришилган эди. Бунга, маълум маънода, 2000 йили «Республика» номли газетада каминанинг йил бўйи «Бобурнома» табдилидан парчалар эълон қилганим ҳам сабаб бўлган эди.

Хуллас, 2008 йилда «Ўқитувчи» нашриёти бу муаммони ҳал қилди: «Бобурнома» Каромат Муллахўжаева ва камина томонидан ҳозирги ўзбек адабий тилига табдил этилиб, нашр қилинди. Ўша йилнинг ўзида бу нашриёт «Бобурнома» миниатюралар китобини ҳам уч тилда: ўзбек, рус ва инглиз тилида бир китоб ҳолида чоп этди.

Ўшандан бери асарнинг бу оммабоп табдили 2013, 2017, 2018, 2019, 2020, 2023 йилларда «Ўқитувчи», «Янги китоб» ва «Ўзбекистон» нашриётларида саккиз маротаба дунё юзини кўрди.

2023 йили Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги муносабати билан ушбу китоб мутасаддилари «Бобурнома» нашрининг янгича талқинига муяссар бўлдилар. Қайд этиш жоизки, «Бобурнома» асарининг бу нашри Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 25 январда қабул қилинган «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги тарихий қарорига мувофиқ бажарилган ишдир.

Нашрда аввалгиларга нисбатан ўзгаришлар қуйидагича:

– Матбуот ва оммавий ахборот воситаларидаги бобуршунос ва Бобур ихлосмандларининг бу китоб ҳақидаги танқидий фикрлари инобатга олиниб, анча-мунча нуқсонларга барҳам берилди.

– АҚШнинг Балтимор штати Балтимор шаҳридаги Волтер музейида сақланаётган «Бобурнома» қўлёзмасига қиёсланиб, анча сўз, гап, шахс воқеага дахлдор ўзгартиришлар қилинди.

Чунончи, олдинги нашрларда Ҳайдаробод нусхасига асосланиб «Шайх маслаҳат берди» деган Хожа Убайдулла Аҳрор сўзларини инобатга олиб, Самарқандниг иккинчи марта олинишида Хожа Аҳрор руҳониятлари қўллаган, деган фикр бор эди. Балтимор нусхасида, Хожа Убайдулла Аҳрор тилларидан шундай сўзлар чиқади: «Шайх Муслиҳиддин берди». Бу янги топилдиққа кўра, демак, Бобурга мутасаввуф хўжандлик авлиё Шайх Муслиҳиддин руҳонияти кўмак берган бўлиб чиқади. Чунки бу гал Бобур икки йил Хўжандда турган ва шу ердан Самарқанд фатҳига жўнаган эди. Бу машҳур мақбарада Тошкент хони – Бобурнинг тоғаси Султон Маҳмудхон ҳам дафн этилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг покистонлик ҳозирги авлодлари (чапдан ўнгга) Донишбек Мирзо, Сеҳр Мирзо, Нозиш Мирзо, бобуршунос олим Ваҳоб Раҳмонов, Муҳаммад Шоҳид Мирзо, Зарина Мирзо ҳамда «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи мудираси Холида Шамсиева.

Андижон. Боғишамол. 2008 йил.

– Кўплаб сўзлар тушунилишини енгиллаштириш мақсадида маънодош вариантлари билан ўзгартирилган.

– Тузатишлар, тўлдиришлар хилма-хиллигини қуйидаги бир матндан ҳам кузатса бўлади: олдинги асл ва табдилда енгилиб қочаётган ёв аскарлари ҳақида:

Зи заҳми сиҳоми сафи пуршукўҳ,
Гузарон гурезон ба ҳар дашту кўҳ.

Таржимаси:

Зўр шукуҳли саф ўқининг қўрқинчидан
Қочишарди ҳар бир дашт-у тоғ томон. (2019 й.,) 361-бет).

«Бобурнома»нинг Балтимор нусхасидан биздаги нашрларда хато ўқилган «Гузарон» сўзи «гурозон» (тўнғизлар) экани билинди ва мисралар қуйидагидек тузатилди:

Гурозон гурезон ва ҳар дашт-у кўҳ.

Таржимаси:

Қочарди тўнгизлар дашт-у тоғ томон.

– Энг муҳими, биринчи маротаба «Бобурнома» табдили расмлар билан безатилиб чиқарилди.

Китобда саккиз варақ рангли суратлар: «Бобурнома»нинг Анетта Сюзанна Певериж таржимаси, «Бобурнома»нинг Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Саидбек Ҳасановлар тайёрлаган асл нусхаси, асар табдилининг турли йиллардаги нусхалари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур расми, Бобурнинг бобоси Юнусхоннинг Тошкентдаги мақбараси, Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо, амакилари Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзо, Эрон шоҳи Шоҳ Исмоил Сафавий, Муҳаммад Шайбонийхон, Рожа Санго, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор расмлари, Ҳожа Муслиҳиддин мақбараси, Бобурнинг Ўшдаги ҳужраси, Бобур шаънига шеър бағишлаган 76 та тасаввуфга доир китоб муаллифи Мир Саид Али Ҳамадоний мақбараси (Тожикистон Республикаси, Кўлоб шаҳри) каби ҳужжатли расмлар берилган. Шунингдек, ҳар бир воқеа-ҳодисаларга доир жой ва дахлдор тарихий шахсларининг оқ-қора расмлари ҳам илова этилган. Уларда Бобур замонидаги ҳарбий қурол-аслаҳалар, Ҳиндистон табиатидаги қуш ва ҳайвонлар дунёси, дарахтлар, Кўҳинур олмоси, Бобур байроғи каби китобхонлар қизиқадиган расмлар ўрин олган.

Бобурнинг ўғли Ҳумоюн Мирзо билан мулоқоти акс этган миниатюра, Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъаси, Бобурнинг Кобул ва Аградаги мақбаралари, ҳатто Бобурнинг бугунги ворисларигача расмлари берилган.

Дакка шаҳридаги Лаъл қалъа – Бобурга бағишланган музей экспонати – Бобур замонида Устод Алиқули қўйган замбарак ёнида Халқаро Бобур жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов расми ҳам берилган.

Асардаги Фирдавсий «Шоҳнома»сидан келтирилган парчага ҳужжат тарзида Эроннинг Тус шаҳридаги Абдулқосим Фирдавсий мақбараси расми, Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларидан келтирилган ўринларда Саъдий «Куллиёти»нинг Теҳрон нашри, Ҳофиз Шерозий зикр этилган ўринда Ҳофиз «Девон»и нашрлари тасвири ҳам берилган.

Хуллас, қомусий асарга илова қилинган ушбу расмлар шахслар ва воқеа-ҳодисалар ҳужжатлари сифатида китобхон учун ғоят мароқлидир.

«Бобурнома»нинг аввалги асл нусхаси нашрлари ва ҳозирги ўзбек адабий тилидаги талқинлари мутолаасини радиоинсценировка ёки радиопостановкага ўхшатиш мумкин бўлса, «Бобурнома»нинг мазкур расмли нашрини ўқиш – худди телевизорда «Бобурнома»ни спектакль ҳолда томоша қилишга ўхшайди, десак бўлади.

Янги нашр олдинги «Бобурнома»лар билан қиёсланганда ана шундай жиддий тафовутлар назарга ташланади. Бироқ бу қомусий асар нашрини Туркиядаги (турк тилига Рашид Раҳмати Арат ўгирган «Бобурнома») нашри билан ёнма-ён қўядиган бўлсак, Туркия нашри бизникидан кўра ҳажман икки баравар катта ва расмлар саноғи эса бизникидан беш маротаба кўпдир.

«Ўзбекистон» нашриёти маҳсулининг Туркия нашридан айрим жиҳатлар бўйича афзаллиги бор: чунончи, Туркия нашрида расмлар кўпу, бизнинг нашрдагидек тарихий ҳужжатлилик жиҳатидан кейинда туради. Туркия нашрида умуман воқеа-ҳодисаларга доир расмлар устунлик қилса, биздаги нашрда акс этган Бобур аждодлари – Юнусхон мақбараси, Бобур отаси ва амакиларининг расмлари, холаваччаси Муҳаммад Ҳайдар Мирзо расмлари, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Ўшдаги Бобур солган ҳужра, Бобурнинг Агра ва Кобулдаги мақбаралари, Бобурнинг байроғи, Бобур тошбитиклари тасвирлари, Шершоҳ Сур, Шоҳ Исмоил Сафавий, Шоҳ Таҳмосп, Султон Иброҳим Лўдий, Муҳаммад Шайбонийхон, Ҳумоюн Мирзо суратлари, Ҳирот Гозургоҳидаги Навоий икки йил хизмат қилган айлана бино Намакхона, Фирдавсий мақбараси, Деҳлидаги жомеъ масжиди ва бошқалар.

Хуллас, бундаги расмларнинг асосий қисми Туркиянинг баҳайбат форматли нашрида йўқ.

Назаримизда, иккала китобдаги расмларни бир нашрда мужассамлаштириш келгусида назарда тутиладиган нашрларимиз учун яхши бир ният бўлиб қолади.

«Бобурнома»га расмлар илова қилиш, юзаки қараганда, янги усул эмас. 2002 йилги нашрда ҳам ўнга яқин миниатюра киритилган эди. Бироқ янги нашрга киритилган «Бобурнома»даги расмларнинг вазифалари жуда юқори илмий мақсадларни кўзда тутади, хусусан:

– муҳим тарихий шахсларнинг сиймолари ҳаққоний гавдалантирилган ва бадиий қийматга эга;

– ўрта аср ҳарбий ва давлатчилик белгиси ва ҳужжатлари: қурол-аслаҳалар (тўп, милтиқ, зирҳ, ҳарбий арава), давлат байроғи;

– Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистондаги машҳур меъморий обидалар, Ҳиротдаги машҳур Олақўрғон – Ихтиёриддин қалъаси, масжидлар, мақбаралар;

– темурийлар, бобурийлар, шайбонийлар шажаралари ва бошқа осори атиқалар.

Агар «Бобурнома»нинг илк табдили бу нодир қомусий асарни оммабоп қилишга йўналтирган бўлса, мазкур янги нашр жаҳонга бизнинг миллатимиз, тарихимизни танитган асарга яна бир фазилат, яъни кўргазмалилик – иллюстративлик бағишлади.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Эълон

Янгийўл тумани Маданият бўлими «Гулбаҳор» маданият марказининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бозоров Тўхта Шариповичга акаси

Рамазон БОЗОРОВ

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi), Ulug‘bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari), Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A. Haydarov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:50
Topshirildi – 00:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 046 ta
Shundan:
7521 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 061 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8464 nusxasi «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G 211

1 2 3 4 5 6